

Хўш, шу ўринда департамент қандай ишларни амалга оширади, деган савол туғилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 11 ноябрдаги "Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан, мазкур департаментнинг бир қатор асосий ва устувор вазифалари белгиланган. Жумладан, у йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини мувофиқлаштириш, йўналишлар тармоғини тартибга солиш ва мақбуллаштириш, фаолиятни лицензиялаш, оқиқ тендерларни ташкил этиш билан шуғулланади.

Шунингдек, вилоят ҳокимлигига чекланган тарифларни белгилаш бўйича тақлифлар киритиб, уларга қатъий риоя этилишини назорат қилади. Чипта тизимини жорий этиш, йўл чипталари, карточкалари, фуқароларнинг айрим тоифаларига транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини берувчи

◀ Бошланғич 1-бетда.

ҳужжатлар тайёрланади. Йўловчи ташишни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, шу жумладан, ер усти йўловчи транспортда ҳақ тўлашини ҳисобга олиш ва шахар

таркибиди жами 4 минг 712 та автотранспорт воситаси, жумладан 1 минг 215 та автобус, 1 минг 31 та микроавтобус ва 2 минг 466 та энгил автомобиллар мавжуд. Виллоятимизда бугунги кун

мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлари таннархи ҳамда бошқа харажатларнинг ошганлиги муносабати билан йўналишларда қатнайдиган йўловчи ташувчи транспорт хизматлари тариф

шаҳарлараро (виллоят ичида) такси йўналишларида 1 йўловчи километр учун – 100 сўмдан 115 сўмгача, 11,5 км дан кам бўлган йўналишларда йўл ҳақи миқдори 1 минг 300 сўмдан кам бўлмаган миқдорда, вилоятнинг турли ҳудудларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишларда йўл ҳақи миқдори 1 йўловчи учун автобус йўналишларида 1 минг 200 сўм ва йўналишни таксиларда 1 минг 500 сўм миқдорда белгиланган.

Ўзбекистон Автоомобил ва дарё транспорт агентлигининг "Фуқароларнинг айрим тоифаларига шахар йўловчи транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни бериш тўғрисида"ги Низомига асосан, 2017 йилда 2 минг 100 дан ортиқ шахар йўловчи транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга ягона намунадаги гувоҳномалар берилди.

Хушханда ТУРСУНБОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ:

СИФАТ ВА НАРХЛАР УЙЎҒУНМИ?

йўловчи ташиш транспорти йўналишларида назорат тизимини автоматлаштириш чоралари қўлланилади.

– Ҳозирги кунда департаментнинг томонидан 259 та корхона ва ташкилотга вилоятимизда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи 371 та лицензия ва 4 минг 721 та "лицензия варақалари" берилган, – дейди департамент бошлиғи ўринбосари Шавкат Тошпўлатов. – Уларнинг

да 620 та йўловчи ташиш йўналиши, жумладан, 241 та автобус, 379 та йўналишли таксиларда аҳолига йўловчи ташиш хизматлари кўрсатишмоқда. Тошкент шаҳрини вилоят шахар ва туманлари марказлари билан боғловчи йўналишларда асосан "Isuzu" русумли автобуслар аҳолига транспорт хизматини кўрсатишмоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш мақсадида ёқилғи

ларининг миқдорлари белгиланган. Жумладан, шахар атрофи ва шахарлараро (виллоят ичида) автобус йўналишларида 1 йўловчи километр учун – 80 сўмдан 90 сўмгача, шахар атрофи автобус йўналишларининг масофаси 11,5 км дан кам бўлган йўналишларда йўл ҳақи миқдори минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда, бу йўналишларда ташинишга рухсат этилган ҳар бир юк ўрни учун – минг сўм этиб белгиланган. Шаҳар атрофи ва

вар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шакли тасдиқланади ва амалга киритилади;

– лицензияловчи орган қонун ҳужжатларини бузиши, шу жумладан, дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархини белгилаш тартиби кўпол бузилганлиги оқибатида лицензияси тугатилган дорихона муассасаларининг манзиллар реестри ва ходимлар реестрини шакллантиради. Манзиллар реестри ва ходимлар реестрига киритилган маълумотлар улар киритилган вақтдан эътиборан уч йил ўтганидан сўнг чиқариб ташланади.

Тошкент вилояти Рақобат бошқармасига истеъмолчилардан "Бир хил турдаги дори-дармонлар нархлари турли дорихоналарда турлича бўлаётганилиги, туманларда дорилар нархлари Тошкент шаҳридагига қараганда баландлиги" каби мазмунда турли хил муурожаатлар келиб тушмоқда. Муурожаатларнинг кўпчилигида тартиб бузилиши аломати мавжуд бўлган дорихона номи ва манзили, дори воситасининг номи ва нархини тасдиқловчи бирор бир ҳужжат (касса чеки) мавжудлиги кўрсатилмаган. Яъни, маълумотлар умумий ҳолда берилганлиги қайд қилинмоқда.

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига асосан истеъмолчи товар ва ишлаб чиқарувчи ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқига эга. Муурожаатларга юқорида тилга олингандек, бирор тасдиқловчи ҳужжат илова қилинса, бу қонунбузилиш ҳолларини қайд этиш ва асослашда муҳим восита бўлиб хизмат қиларди.

Умриязов ГАНИЕВ, вилоят Рақобат бошқармаси бош мутахассиси.

ОЧИҚ, ОШКОРА, САМИМИЙ

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ёшларга ҳар томонлама эътибор қаратилаётганининг ёрқин намунаси бўлди. Жойларда ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар эса ўғил-қизларимизнинг фаоллигини оширишда муҳим омил бўлаётди.

◀ ҲОКИМНИНГ «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Бекобод тумани марказидаги маиший хизмат ва ахборот технологиялари касбхунара коллежиди ўтган "Ҳоким ва ёшлар" учрашувини туман ёшлари узоқ вақт эслаб юришса, ажабмас. Унда ёшлар туман ҳокими билан мулоқотда бўлиб, яратилаётган имкониятлар, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар тўғрисида гапирдилар ва ўзларини қизиқтирган долзарб масалалар бўйича фикр алмашдилар.

Учрашувда туман ҳокими Отабек Исроилов сўзга чиқиб, ёшларнинг интилиш ва ташаббуслари қўллаб-қувватланаётгани, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият ва спорт соҳасидаги ютуқлари рағбатлантирилаётганини алоҳида таъкидлади. Бундай эътиборга жавобан, туман кенгаши фаолиятини янада жонлантириш, ҳудудлардаги уюшмаган ёшлар билан ишлашни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда фаол ва иқтидорли ёшлар сўзга чиқиб, ўзларини қизиқтирган масалалар билан ўртоқлашдилар.

– Мен бир оддий талаба сифатида ёшлар иттифоқи фаолиятида иштирок этаётганимдан мамнунман, – дейди Ўғил Раҳмонова. – Яратилган шарт-шароитлар билан янада фаол бўлишга, мамлакатимиз равақли йўлида яхши ўқиб, меҳнат қилишга ундайди.

Айниқса, ўқувчи-ёшлардан Даврон Хайдаралиев, Аҳор Раҳмонбердиев, Ҳумоюн Маматқулов, Бекзод Комиловларнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида махсус сайт фаолиятини ташкил этиш, ишсизликнинг олдини олиш мақсадида ушбу сайтга туманда мавжуд бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни онлайн тизимида жойлаштириш, аниқ фанларга ихтисослаштирилган ўқув курслари фаолиятини йўлга қўйиш, махсус кутубхона ва интернет клуб ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларини ҳоким ва тадбир иштирокчилари қўллаб-қувватладилар.

Ашуралӣ БОЙМУРОДОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар

ИСТЕЪМОЛЧИГА ДОРИ БИЛАН ТОВАР ЧЕКИ БЕРИЛАДИ

Аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари билан доимий равишда таъминлашга Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айтиш мумкинки, кейинги йилларда тизим қайтадан ислоҳ қилинмоқда.

◀ Қарор ва ижро

ри тўғрисида"ги, "Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари қабул қилинган бунинг яққол тасдиқидир.

Ушбу қарорларнинг асосий талаблари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

– 2017 йил 1 январдан бошлаб четдан олиб келинадиган, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи бир сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи харид

мулкчилик шаклидан қатъи назар белгиланган нархлари билан ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг тасдиқланган рўйхатини давлат ва рус тилларида 12 шрифт ўлчамадан кам бўлмаган шаклда кўринадиган жойга осиб қўйишлари шарт;

– дори-дармон воситалари ёки тиббиёт буюмлари билан бирга сотиб олувчиға идентификацион маълумотлар (номи, дозаси, қадоқлаш, миқдори) билан бирга дори-дармон воситалари ёки тиббиёт буюмларининг номи, уларни берувчи шахсга оид маълумотлар, бериш санаси ва нархи кўрсатилган товар чеки берилади;

– қатъий ҳисоби юритиладиган бланк ҳисобланадиган, то-



ОДИЛ СУДЛОВ МУСТАҚИЛЛИГИ

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатидир

Судьялар касбий фаолиятда ҳам, хизматдан ташқари вақтда ҳам мажбурий одоб-ахлоқ қоидаларига, ҳамиятда ўрнатилган ҳулқ-атворнинг, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган таъминларига қатъий амал қилишларига эришиш мақсадида "Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари" амалга татбиқ этилди.

Айни пайтда Олий маҳкамаси ҳайъати умумий юрисдикция судлари судьяларининг "Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари"га оғишмай амал қилишлари устидан етарлича назоратни таъминлаш билан бирга, бу борада жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг сифат ва самарадорлигига эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Одил судловни таъминлаш учун, аввало, судья

◀ Бошланғич 1-бетда.

нинг ўзи ҳам юксак инсоний фазилатларга эга, дунёқараши кенг, ички маданияти юксак, маънавиятли, одобли бўлиши лозим. Зеро, ана шундай фазилатлар соҳибига адолатли суд қарорлари чиқариши мумкин.

Шу муносабат билан, Ҳаракатлар стратегияси ижросини самарали таъминлашда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг ўта муҳим аҳамияти ва долзарблигини тўлиқ аъло қилди.

Ўзбекистон Республикаси судьялари ўзларига асосий вазифаларни белгилаб олишди. Халқ билан очик мулоқотни кенгайтириш, фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам бериш орқали уларнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш ва ҳақиқатни қарор топтириш судьяларнинг асосий фаолият мезони сифатида белгиланди.

Бу эса, албатта, суд органлари ходимларидан катта масъулият ҳамда фидойиликни талаб этади. Халқимиз кўтаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касбий ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибининг шакллантириш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавабгарлик бугунги кунда давлат бошқаруви органларида фаолият кўрсатаётган барча инсонлар қатори судьялар фаолиятининг ҳам кундалик қоида-си бўлиб қолиши зарур.

Баҳром ТОШПЎЛАТОВ, Жиноят ишлари бўйича Янгийўл тумани суди раиси.

◀ Янги ташкилотлар

ЎЗБЕКИСТОН ЁШ ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ

Ўзбекистонда ёш фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ёш фермерлари кенгаши" ташкил этилди.

Ташкилотнинг Адлия вазирлигининг фаолият учун тегишли гувоҳнома олгани ҳақида кенгашнинг масъул вакили Илём Сафаров хабар берди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 5 минг 847 нафар ёш фермерлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар 200 минг 753 гектар ер майдонига эга. 1 минг 158 нафар ёш фермерлар раҳбарлик қилаётган жамоалар кўп тармоқли хўжалик мақомига эгадир.

Бу кўрсаткич республикамиздаги жами фермер хўжаликларининг атиги уч фоиздан кўпрогини ташкил этади.

Янги ташкилот ўз олдига фермерлиқни тар-

ғиб қилиш ва ривожлантириш, ёшлар, айниқса, уюшмаган ёшларни фермерлик ҳаракатига кенг жалб этиш, ёш фермерларни кўп тармоқли фермер хўжаликларида айлантиришда қўллаб-қувватлаш, шунингдек, соҳадаги муаммолар ва масалаларни биргаликда ҳал этиш, хорижий илм-ғор тажрибаларни ўрганиб, фаолиятга жорий қилишда амалий ёрдамлар кўрсатишни мақсад қилган.

Кенгаш раиси Соатмурод Қўлирзаевнинг таъкидлашича, 2018 йил ҳосили учун бошқоқ донни сифатли экиш ва ҳосил олиш, тўқсонбости усулида сабзавот маҳсу-

лотларини экиш ва уни парваришлаб, юқори ҳосил олишда ёш фермерлар фаоллик кўрсатади.

Шунингдек, кенгаш томонидан "Ёшлар" телерадиоканали билан "Муваффақият қалити" телелойҳаси ҳамда "Ёш фермерлар мактаби" радио лойиҳалари ҳам ташкил этилди.

Ёш фермерларга ҳуқуқий, иқтисодий ва агро-техник қўлим беришни ташкил этиш мақсадида туманларда "Ёш фермерлар" мулоқот клуби ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда "Фермер консультант" консалтинг марказлар тармоғини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ИХТИРОЧИ АЁЛЛАР УЮШМАСИ

Ўзбекистонда хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси олдида турган муҳим мақсад ва вазифаларни самарали ташкил этиш

мақсадида кўмита ва унинг ҳудудий бўлимлари қошида Ўзбекистон Ихтирочи аёллари уюшмаси ташкил этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ахборот хизмати хабар бермоқда.

Кўмита ва уюшма томонидан республика бўйлаб иқтисодий тармоқларининг турли йўналишларида ихтирочилик ва рационализаторлик фаолияти билан шуғулланаётган, илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган, ўз қобилиятини намоён этаётган иқтидорли хотин-қизларни излаб топиш,

янги иқтидор қирраларини очиб, олма аёллар, докторант, мустақил изланувчи, иқтидорли талаба, ихтирочи, инженер, конструктор, рационализатор ва мутахассис аёлларни илмий-техник ишдорликка кенг жалб қилиш режалаштирилган.

Хотин-қизларнинг изланишларини мақсадли

йўналтириш, ихтирочилик ва илмий-ишодий фаолиятларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзбекистон аёлларининг 100 та инновацион лойиҳаси" I республика танловини ўтказиш, танлов ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича ҳам ишлар амалга оширилмоқда.

ВАЛЮТА СИЁСАТИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛИШИНING АФЗАЛЛИКЛАРИ

Мамлакатимиз Президентининг "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аҳолимиз, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз, мамлакатимизга ўз маблағларини инвестиция қилмоқчи бўлган чет эллик инвесторлар томонидан узоқ муддатдан буён кутилган, валюта сиёсати борасида кескин бурилиш ясаган ҳужжат бўлди. Сабаби, бир неча йиллардан буён айнан мазкур соҳадаги мавжуд муаммолар аҳоли фаровонлигига қайсидир маънода тўсиқ бўлиб келаётгани рост эди.

◀ Депутат минбари

Оддий бир мисол, бирор бир нарса олиш истагида бозорга борган инсон кунига, керак бўлса соатига, ўзга-риб келган "қора бозор"даги хорижий валюта курсининг салбий таъсирига дуч келар эди. Бундан ташқари, бир қатор ёшларимиз замонавий илм олиш истагида чет эл олийгоҳларида таҳсил олаётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Лекин, улар манзилларига етиб олиш учун маҳаллий авиааташувчимиз чипталарини ҳам чет эл валютасига

сотиб олишга мажбур бўлишар, бунда эса банкларимиз томонидан хорижий валюта сотувларининг ҳажмида ҳам, даврийлигида ҳам фойдаланиш учун турли мумкин ва мумкин бўлмаган чекловлар белгиланиб келинган. Шу боис ҳам 2013 йилдан буён Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – жисмоний шахсларга ваколатли банклар томонидан хорижий валюта-ни халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақдсиз шаклда сотиш ме-

низми жорий этилган бўлса-да, мазкур карталар халқимиз орасида "чала карта", деб атаб келинган. Бу эса ўз-ўзидан аҳоли орасида нурузиликларга сабаб бўлаётган эди.

Эндиликда айнан мазкур Фармонга асосан, хорижий валютани харид қилиш ва карточкага тушириш ҳажмида ҳам, ундан кейинчалик фойдаланишда ҳам бирор чеклов йўқ. Бундан ташқари, орадан бир оз вақт ўтгач, бозорнинг барча иштирокчилари янги шартларга қўниқиб, муво-занаат ҳосил бўлгач, жисмоний шахсларга хорижий валюта нақд қўрилишда ҳам сотила бошлади.

Тан олиб айтиш керак, "қора бозор" бирданига йўқ бўлиб кетиши қийин кечиши мумкин, лекин энди у иқтисодийнинг айрим секторлари-га хизмат кўрсатишни тўхта-тади. Шу боис ҳам имтиёзли конвертация умидидагина очилган ва ишлаётган лойи-

ҳалар энди тенг рақобат шариоитида ишлашига тўғри келади.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, барча таъбиркорлик субъектларининг ҳам илгари имтиёзли конвертацияга руҳсати бўлмаган. Айнан мана шу сабаб, товар ва хизматлар бозорида қучли ўзгариш кузатилмади. Булар, асосан, халқ истеъмоли моллари, озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларидир. Уларнинг нархи умуман олганда ошмайди, чунки бу сегмент узоқ йиллар факат бозор курсига қўра мўлжал олган ва у ерда рақобат муҳити шакллантирилган.

Энди яқна тадбиркорлар товарларини тезроқ сотиш, пулларни тезроқ тўплаш ва ўзларига хизмат кўрсатаётган банк ҳисоб рақамлари орқали сўмини тезроқ долларга конвертация қилишдан манфаатдор. Энди уларга пулнинг нақд ёки нақд эмаслигининг фарқи йўқ. Касса қирими қилинаёт-

ган нақд пул хусусий тадбиркорнинг ҳисоб рақамидида эртаси кун пайдо бўлиши ҳисобга олинса, унинг учун айнан пластик карталар орқали савдо қилиш муҳимроқ бўлади. Чунки, маблағ дарҳол ҳисоб рақамга бориб тушади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони мамлакатимиз иқтисодийнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошишига, бевосита ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорларимизнинг олдида ғов бўлиб турган долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига, асосийси, мамлакатимиз иқтисодиётини янада жадал суръатларда ривожлантиришга, пировардида, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Элдор ТУЛЯКОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси.



Янгиланиб,
хабарлар,
таҳлилий-
танқидий
мақолалар
билан
газета-
мизнинг
интернетдаги
манзили –
www.thtp.uz
орқали ҳам
таниши-
шингиз
мумкин.

МАНГУ ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

... Уша биз билган Оксарой қароргоҳи. Атрофга фавворадан отилаётган сувнинг овози таралмоқда. Қаршимизда, биз севиб ардоқлаган, "Отамиз", дея қадрлаган инсоннинг ҳайкали.

Хотира

Ха, Ислон Каримов буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақил Ўзбекистон асосчиси. Унинг ўйчан нигоҳи, ним

табассум акс этган чеҳраси босиб ўтилган маҳкаматли, шу билан бирга ёруғ кунлар нашидасини ифодалаган, десак

муболага бўлмайди.

У кишининг хотирасига бағишлаб бунёд этилган ҳайкал пойи яна гулларга бурканди.

Вилоятимизнинг фаол ёшлари Ўзбекистоннинг Биринчи Президентини хотирлаш ва ҳайкали пойига гул қўйиш учун жам бўлдилар.

Ушбу маросимда ви-

лоятимизнинг барча шахар ва туманлари таълим муассасаларида таҳсил олаётган фаол ёшлар, Ўзбекистон ёшлар иттифокнинг шахар, туман кенгашлари сардорлари ҳамда уларнинг аъзолари қатнашди.

— Ислон Каримов бизга бебаҳо бойлик — мустақилликни инъом этди, — дейди Чингелди майиш хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Отабек Раҳматов. — Уларнинг эзгу ишларини давом эттириш учун, аввало, ўз фикри, ўз сўзи, кенг дунёқарашга эга бўлиб камол топишимиз керак. Бунинг учун биздан ўқиш, интилиш талаб этилади.

— Биринчи Президентимиз азиз жонини жонажон юртимиз тинчлиги, халқимиз хотиржамлиги, ўғил-қизларнинг бахтуқ боллигига бахшида этди, — дейди Паркент туманидаги 26-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Абзал Азимов. — Шунинг учун у киши ҳаманинг қалбидан чуқур жой эгаллади, халқимизнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Дарҳақиқат, Ислон Каримов чинакам инсоний фазилатлар соҳиби эди. У нафақат она диёримизда, балки жаҳонда катта ҳурмат, обрў-эътиборга сазовор шахс сифатида қалбларимизда муҳрланди. Унинг Ватанимизни демократик давлатга айлантиришдаги меҳнатлари, айниқса, таҳсинга лойиқ.

— Туркманободда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳайкали очилганидан хабарингиз бор, — дейди Ёшлар иттифокнинг Паркент тумани кенгаши раиси ўринбосари Шухрат Аҳмадов. — Ойнаи жаҳон орқали маросимни зўр иштиёқ, ҳаяжон билан томоша қилдим. Шунда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов шундай деди: "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти учун энг яхши ёдгорлик — бу унинг ишларини давом эттиришдир".

Ирода МАҚСУДОВА.
Азамат АХМЕДОВ
олган сурат.



Партиялар ҳаётидан

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан "Ёшлар — келажак таянчи" лойиҳаси доирасида вилоятимизнинг Чирчиқ шаҳри, Бўстонлик ва Қибрай туманларида уюшмаган ёшлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилди.

ЮЗМА-ЮЗ МУНОЗАРАЛАР САМАРАСИ

Тадбирларда Ўзбекистон ХДП Марказий ва вилоят кенгашлари масъул ходимлари, туман ва шахар ҳокимликлари вакиллари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ёшлар ва ота-оналар иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимиз тарққийти ҳар томонлама ўсиб-униб келаётган навиқрон авлодининг таълим-тарбияси, маънавияти ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда янги босқични бошлаб берди.

Мамакатимизда билим, ташаббускор ёшларга масъулиятли вазифалар ишониб топширилмоқда. Айни вақтда республикамизнинг чекка ҳудудларида, қишлоқларда эътибордан четда қолаётган ёшлар ҳам бор. Мана шундай уюшмаган ёшлар билан ишлаш сиёсий партиялардан ҳам фаоллик талаб этмоқда. Ўзбекистон ХДП томонидан ишлаб чиқилиб, амалга оширилган "Ёшлар — келажак таянчи" лойиҳаси

айнан шу мақсадга қаратилган.

Жойларда ўтказилган мулоқотларда фуқаролар, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган ва уюшмаган ёшларнинг мунозаралари, шунингдек, партиянинг жамоатчилик қабулхонасига келиб ташаббус билан аризалар асосида партия ходимлари ва депутатлар томонидан жиноятга мойил, жазони ўтаб чиққан, нотинч оила ва ота-онаси узоқ муддатга чет элга кетган оила фарзандлари, диний экстремистик оқимга қўшилиб қолган ёшларнинг руҳий ҳолати, яшаш шароити ҳар томонлама ўрганилди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ХДПнинг "Ёшлар — келажак таянчи" лойиҳаси доирасида бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудудларда "Ў болангизнинг ўзингиз асра!" "Комил фарзанд тарбияси ота-она фарзи", "Фарзанд тарбиясида муқаддас қадриятларнинг ўрни", "Ёшлар маънавиятини оширишда китобхонлик сингари мазмуларда маънавий-маърифий тадбирлар, очик мулоқот тарзида суҳбатлар, интернет фаоллиги ва таълим-тарбиянинг асослари ҳам ражалаштирилган.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МАҲАЛЛАДА САЙЁР ҚАБУЛ

Ўзбекистон "Миллий тиклиниш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Бекобод туманининг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган "Найман" маҳалласида "Фидойинг бўлгилар сени, Ўзбекистон!" шиори остида сайёр қабул ташкил этилди.

Сайёр қабулни партия вилоят кенгаши раиси Махмуд Назаров кириш сўзи билан очиб, вилоятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳақида гапириб ўтди. Шундан сўнг, вилоят ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлини маси ходими Абдулазиз Аширматов, "Туркман" жоме масжиди имоми Эрали Сариев сўзга чиқиди.

Мулоқот давомида аҳоли билан дилдан суҳбатлашилди. Маҳалла фахрийларидан Умрзоқ ота Эргашев, Абдуваҳоб

Эшонқулов, Эркин Алибеков ва бошқалар сўзга чиқиб, маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, ҳусусан, эски симёғочларни янгиллаш, йўллари асфальтлаш, ҳудуддаги 17-мактабга таъбия муассасасининг қўшимча биносини қуриб, кенгайтириш сингари муаммоларни ўртага ташлаш ва бу масалалар ечимни юзасидан тўлақонли жавоб олишди.

Шу кунги маҳалла аҳли ўтказилган сайёр қабулдан мамнун бўлиб қайтдилар.

Мурод АШУРОВ.

НУТҚ ВА ХУЛҚ МАДАНИЯТИ

"Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуасида кейинги пайтларда бир яхши анъана йўлга қўйилди.

Такдимот



Адабиётимиз ривожига ҳисса қўладиган ҳар бир янги асар кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиниб, тақдимот маросими ташкил этилмоқда. Навбатдагисида филология фанлари номзоди, доцент Раҳимбой Жуманиёзовнинг "Маънавият тарғиботи" услубий қўлланмаси ҳамда "Маънавият ва мулоқот мезонлари" рисоласи, "Нотиклик санъати" ва "Маънавият тарғиботи" ўқув-услувий қўлланмалари, "Тошкентдан гапиримиз" каби китоблари ва бир неча

мультимедия материаллари нафақат тилшунослар, мутахассислар, балки кенг қишлоқхонлар учун ҳам зарурий қўлланма бўлишини таъкидлашди.

— Маънавиятимизнинг энг асосий омилларидан бўлган одоб-ахлоқ, муомала ва нутқ маданияти тарғиб қилишда бу рисоалар ниҳоятда аҳамиятлидир, — дейди ёзувчи Тўлқин Эшбек. — Бу рисоалар тилшунослик, адабиётшунослик, шунингдек, барча соҳа ходимлари, раҳбарлик вазифасида фаолият юритаётганлар учун ҳам керакли қўлланмадир.

Шу ўринда маънавият тарғиботи ва ташвиқоти муҳим эканлиги, ҳар қандай мулоқотнинг мезони нутқ ва хулқ маданияти

билан боғлиқлигини ифодаловчи "Гоявий тарбияда нотиклик санъати", "Нутқий маҳорат", "Дил — қўл, тил — қалит", "Таълим, тарбия, тафаккур, тараққиёт" каби рисоаларда ҳам бу ҳақда атрофлича фикр-мулоҳаза юритилганини таъкидлаш жоиз.

Муаллифнинг "Тошкентдан гапиримиз" китоби ҳақида фикр билдирар экан, адабиётшунос олим Шухрат Ризаев мазкур рисолада Ўзбекистон халқ артисти, моҳир суҳандон Қодир Махсумов тимсолида ўзбек халқининг қадрияти — тили ва нотиклик санъатининг юксак қирралари тўлақонли очиб берилгани ҳақида сўзлади.

— Таълимнинг калити нутқ, тарбияники хулқ билан, — дейди муаллиф. — Айниқса, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йиллидаги фаолиятимизда одамлар қалбига йўл топиш, эҳтиёжини қондириш, манфаатларини ҳимоя қилиш, умуман, улар билан мулоқотда муомала маданияти, нутқ маҳорати ва нотиклик санъати сув ва ҳаводек зарур. Бундай кўникмаларни шакллантириш эса биз, маънавият тарғиботчиларининг вазифаси, бурчидир.

Сайёра РАҲМОНОВА.
Азамат АХМЕДОВ
олган сурат.

Нишондорларимиз

"Олмалик кон-металлургия комбинати" нафақат вилоят, балки республикамиз саноати ривожига салмоқли улуш қўшаётган корхоналардан. Комбинат тайёр маҳсулотларининг 95 фоиздан кўпроги унга қарашли мис эритиш заводида ишлаб чиқарилади. Қарийб 2 минг 300 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган завод жамоаси эса таъмирлаш-механика цехи бошлиғи Сафарали Қўчқоров номини ҳурмат билан тилга олади.

МАЪДАННИ ЭРИТАР ЮРАКДАГИ ЧЎҒ

Бу бежиз эмас. Таъбир жоиз бўлса, 35 йил давомида ушбу корхона "қозонида қайнаб", моҳир металлургия шарофига эришган бу инсонни заводнинг қон томирларидан, дейиш мумкин. Нега дейсизми? Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: республика саноати ривожига муҳим ўрин тутадиган олтин, қумуш, мис каби 10 дан зиёд рангли ва нодир металллар ишлаб чиқарадиган завод ускуналаридан бирортаси бир зум ишламай тўхтаб қолса нима бўлади? Албатта, бу ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилиб, кўрсаткичлар кескин пасайиб кетишига сабаб бўлади. Лекин, Сафаралининг 30 йиллик заҳматли меҳнатлари тўғрисида бундай ҳолат деярли юз бермади. У айнан таъмирлаш-механика цехини мана шу йиллар давомида масъулият билан бошқариб келмоқда. Унинг раҳбарлигида 32 нафар ишчи ходим заводдаги барча ишлаб чиқариш қурилмаларини бир маромда узлуksиз ишлашини таъминлаб, технологик ускуналарнинг эҳтиёт қисмларини тайёрлаш ишларини сидқидилдан бажаради. Сўнгги уч йилда 3 минг 478 донга ўрнига 4 минг 65 донга эҳтиёт қисм ҳамда деталлар тайёрлангани, таъмирлангани фикримиз далили.

"Меҳнат қилган элда азиз", дейишлари бежиз эмас. Сафарали ўз меҳнатларининг давлатимиз томонидан муносиб рағбат топаётганидан ғурурланиб сўзлади.

— "Олмалик кон-металлургия комбинати" — менинг қадрдон маконим, жоним ришталари унга пайвандлашиб кетган, — дейди Сафарали. — Зеро, ота-онам, ака-укаларим, сингилларим, ҳатто, умр йўлдошим, ўғил-қизларим ҳаёти мана шу корхона фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Муастакиллигининг 26 йиллиги арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фармонида буюн "Ўзбекистон Республикаси



лик. Бу менга ғурур, фахр-ифтихор бағишлайди. Ахир, эл-юрт, она Ватанга сидқидилдан хизмат қилишнинг ҳузурига не етсин?!

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг ташрифи, комбинат фаолиятини янада тақомиллаштириш, янги очилган қонга "Ёшлик" қони деб ном бериш, Техника университетининг Олмалик филиалини ташкил этиш бўйича қабул қилган қарорлари ҳамшаҳарларим, касбдошларим, айниқса, тақдирини шу корхонадан айро тасаввур этолмайдиган ака-укаларим, фарзандларим учун бекиёс шодлик, ишонч ва қувонч бағишлади.

Ҳақиқатан ҳам, металлургия саноати деган номга муносиб Қўчқоровлар оиласи корхонанинг иссиқлик электр маркази қозон-турбиналар цехи бошлиғи Раҳимжон, таъмирлаш бўлими ходими Дилфуза, электр таъмирловчи Алижон, машинист Гулнора, электр таъмирловчилар Бекзод, Икром, Ирода каби фидойи ходимлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Сафарали Қўчқоров давлатимиз томонидан берилган "Шухрат" медали, "Фидокорона хизматлари учун" ордени мана шу меҳнатлари самараси эканини чуқур ҳис қилади.

Муастакиллигининг 26 йиллиги арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фармонида буюн "Ўзбекистон Республикаси

публикасида хизмат кўрсатган саноат ходими" фахрий унвони билан тақдирланиши эса нафақат Сафаралини, балки Қўчқоровлар сулоласини, завод жамоасини бениҳоя қувонтириб юборди.

— Ҳар тонг ишга отланар эканман, жонажон корхонам, жамоадoshларим билан дийдорлашиб иштиёқи юрагимда чўғланиб туради, — дейди Сафарали. — Заводдаги ускуналарнинг бешикаст, узлуksиз ишлаб туриши эса вужудимга ҳузур бағишлайди. Айниқса, камтарона меҳнатларинг Ватанимиз юксак мукофотларига муносиб кўрилса, бундан ортиқ бахт борми?!

Бундай эътибор, рағбатга муносиб бўлиш масъулияти эса янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда. Хозирги кунда Германиянинг "Доберсек" компанияси билан ҳамкорликда қиймати 91 млн. 500 минг АҚШ доллари бўлган замонавий технологиялар асосидаги мис эритиш печини модернизация қилиш ишларини олиб бораётиш. Бу лойиҳа амалга ошган, йилга 16 минг тонна мис ишлаб чиқариш ҳамда 43 млн. куб метр табиий газни иқтисод қилиш имкониятига эга бўлави.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Азамат АХМЕДОВ
олган сурат.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Қибрай филиалининг "Юқори Чирчиқ агро-техсервис" МЧЖ МТП устас жамғармасида мавжуд 14 фоиз яъни, 49 950 000 сўмлик улуши сотилишини маълум қилади.

Маълумот учун Қибрай тумани, Зебунисо кўчаси, 7-уйда жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Қибрай филиалига ёки (0-371)150-21-85, (0-371) 150-20-87 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ очик аукцион савдоларида "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасига тегишли қуйидаги мулклар чиқарилганлигини маълум қилади:

1. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Паргос ҚФЙ манзилида жойлашган, умумий майдони 15 000,0 кв.метр, қурилиш майдони 499,29 кв.метрдан иборат, ёрдамчи ҳўжалик бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 1 852 116 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Озодлик ҚФЙ манзилидаги 10,2 Га. ер майдонида жойлашган 5000 тип мевали дарахтдан иборат боғдорчилик ҳўжалиги. Бошланғич баҳоси — 699 540 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 23 октябрь кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-А уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмаса, тақ-

рир савдолар 2017 йил 7 ноябрь, 22 ноябрь, 7 декабрь, 22 декабрь кунлари бўлиб ўтади. Аризалар қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидаги ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилининг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда вақил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкий мажмуанинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги х/р: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га савдодо иштирок этиш учун ариза топширишга қадар тўлашлари шарт.

Савдодо иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел.: (0371) 228-84-48, (0597) 701-14-62, www.1kms.uz. Электрон почта: rieltssavdo@inbox.uz.

Лицензия RR-0001.

Санъатимизнинг буюк дарғалари Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Таваккал Қодировлар хониш қилганда, шинавандлар томонидан: "Вой, дод!", "Ҳа, дўст!" каби қочиримлар кўп бора айтилгани бор гап. Бу қочиримлар бежиз эмас. Одамлар кўшиқ жозибасидан маст бўлишган. Кўшиқ сеҳридан сархуш бўлган кўнгиллардан эса ўзига хос нидо отилиб чиққан. Ҳақиқий санъатнинг, ҳақиқий кўшиқнинг таъсири ана шундай бўлади.

Муносабат

Ҳўш, бугунги кўшиқчилигимизда ҳам ўша анъаналар, янгича изланишлар давом этаётганими? Тўғри, ўзбек санъатида ютуқлар кўп. Дилга яқин кўшиқлар ҳам талайгина. Аммо, дўппини ерга қўйиб, инсоф билан айтганда, яхши кўшиқларга нисбатан савияси паст нолалар тарози палласини босиб кетади. Бунни, ҳатто, санъатшунос ёки мутахассис бўлмаган кишилар ҳам эътироф этишлари мумкин.

Қайсидир бир хонанда томонидан айтилган, тўғрироғи хониш қилинган бир кўшиқ энсамни қотиргани ҳамон ёдимда. Унда хонанда: "Қоши камалак, Ферузобону..." жумласини бир хил оҳангда тўқсон мартаба қайтаради. Гўё бу кўшиқда бошқа сўз ва жумлалар мутлақо йўқдек... Такрорий оҳанглари, бир хил сўзларнинг кетма-кет айтилиши кишининг гашини келтиради.

Эстрада кўшиқчилигида қизларнинг исмига аталган хонишлар ҳам тобора кўпайиб бормоқ-

АЙТУВЧИГА ИНСОФ, ТИНГЛОВЧИГА... САБР



да. "Ҳалима", "Моҳира", "Гулсара", "Замира", "Феруза", "Майсара", "Жумагул" ва ҳоказо... Билмадим, бу кўшиқларнинг матнини ким ёзиб беради? Исмларни санашдан нарига ўтилмайди. Ахир, кўшиқ исмларни санаш мусобақаси эмаску! Улар тингловчига завқ бермайди, аксинча ҳақиқий кўшиқ шинавандасининг гашини келтиради.

Яна бир мулоҳаза. Хонанданинг эстрадаларда кўшиқчиларимиз саҳна маданиятини билишмайди. Тасодифан бир концертга кириб қолдим. Тўғрироғи, бу концертга

мени таклиф қилишди. Ёш хонанда кўшиқ айтишдан аввал балқондаги томошабинларга мурожаат қилди. Ҳар бир айтилган кўшиқ орасида томошабинлардан олқиш ва қарсақлар тилаб олар, ўзини гўё еттинчи самодда юргандек ҳис этар эди. Одамларга қўйилмақом тарзда хизмат қилиб қўйгандек иззатталаб бўлиб кетишарди, ҳозирги ёшларимиз. Санъаткор маданият ҳодими, маданият соҳаси вакили. Аммо, ибрат кўрсатиш ўрнига баъзида одоб-ахлоқ чегарасидан чиқиб кетилаётганлиги маънавиятимизга зиддир.

Кўшиқлар асосида яратилган клипларни эса гапирмаса ҳам бўлади. Айримларини кўриб, "Бу клипми ёки бемаъни қилиқми?" дегинг келди. Тўғри, буларнинг барчаси ҳомийлар кўмағида, катта харажатлар эвазига тайёрланади. Лекин, масаланинг бошқа жиҳатини ҳам ўйлаш керак. Эфирга узатилаётган видеоклиплар ёшлар тарбиясига, уларнинг маънавий дунёсига қай даражада таъсир ўтказаяпти? Албатта, бунни жиддий ўйлаб кўриш зарур.

Шу ўринда, айрим таклифларни айтиб ўтишни истар эдик. Ҳар бир

эстрада хонандасининг, боринги, ёш ижрочиларнинг ҳам янгидан яратилган кўшиқларини кўриб, тасдиқлаб берадиган ҳақиқий бадиий кенгаш тузилса. Худди шунингдек, эфирга узатиладиган, ҳусусий тижорат каналларида намойиш этиладиган видеоклипларни тартибга солиб турадиган, мувофиқлаштириб борадиган махсус комиссия ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Агарда лозим топилса, эстрада хонандалари учун мутахассислар иштирокида кўшимча равишда "Саҳна маданияти" сабоқлари ташкил этилса, айни муддао бўлур эди.

Ижрочи ҳар бир кўшиқни айтиши эмас, қуйлаши зарур. "Кел, шу кўшиқни бир бора айтиб қўя қолайин..." қабилида иш тутиш ярамайди. Ҳар бир кўшиқни юракдан ёниб қуйлаш керак. Қуйлаганда ҳам бор меҳрини, қалб кўрини унга қўйиб олсин. Қуйлаётган хонанданинг кўз олдига доимо тингловчи турганлигини асло унутмайлик:

Қуйлагай олам буқун,
Ҳар қадам пайдо кўшиқ,
Ҳар кўшиқ дил мулкидир,
Эл анга шайдо, кўшиқ,
Унга на қабр бордир,
Анга йўқ ҳеч интиҳо.
Қуйласанг дилдан жўшиб,
Улмагай асло кўшиқ,
Ашурали БОЙМУРОД.

Спорт хабарлари

ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАБ...

Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари Тўлқин Қиличев ва Рустам Саидов таркибга ўн нафар боксчини жалб қилди. Улар орасида Олимпия йўналири, жаҳон ва қитъа чемпионатларида шохсу-пага кўтарилган Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчилари – Муроджон Аҳмадалиев, Баҳодир Жалолов, Элнур Абдураимов, Исроил Мадримов, Санжар Турсунов ҳам бор.

– Мен яқинда Германияда бўлган жаҳон чемпионатида совриндор бўлганимдан бахтиёрман, – дейди вилоятимиз боксчиси Санжар Турсунов. – Ўзбек бокс мактаби дунёда энг кучлилардан ҳисобланади. Ана шу юксак эътирофга лойиқ эканимизни кўрсатиш бизнинг вазифамиздир. Чунки, спорт Ватанимиз шухратини янада юксалтирадиган, халқимиз қуд-

ратини намойиш этадиган муҳим восита. Қолаверса, ўз галабаларимиз билан юртдошларимиз қалбига гурур бағишла-сак, кайфияти ва руҳини кўтарсак, ўсиб келаётган навқирон авлодга ўрناк бўлиб, уларни соғлом турмуш тарзига етакла-сак, ана шу бизнинг энг катта ютуғимиз бўлади.

Қозғонистондаги нуфузли мусобақада иштирок этиш учун терма жамоамиз таркибига Мироншоҳ Иброҳимов, Фозилжон Абдумуродов ва Отамбек

Холматов, Маҳмуд Ғоипов ва Мадийр Саидрахимов сингари ёшлар ҳам таклиф этилди.

Ўзбекистонлик боксчилар мазкур турнирда 2006 йилдан буён қатнашиб келади ва турли йиллар давомида Степан Партнов, Олим Хусанбоев, Рустам Саидов, Баҳодир Мамажонов каби чарм кўлқоп усталари олтин медалларга сазовор бўлган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



ТЎП БИЛАН... УЮШМАГАН ЁШЛАР

Тошкент тумани "Иқбол" маҳалласидаги 8-умумтаълим мактабининг спорт ўйингоҳида ёшлар ўртасида мини футбол мусобақасига старт берилди.

Турнирни ўтказишда мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Нурилла Маҳкамов ташаббус кўрсатди. Мусобақа уюшмаган ёшларни спортга кенг жалб этиш ва спортнинг мини футбол турини оммалаштириш мақ-

садида ўтказилмоқда. Ўн тўрт кун давом этадиган мусобақа якунида ташкилотчилар ҳамда ҳомийлар томонидан эсдалик совғалар топширилиши режалаштирилган.

Феруза ТҲАҲЕВА.

САНЪАТГА ОШУФТА КЎНГИЛЛАР

Ҳақиқий санъат асаридан баҳраманд бўлганда қалбимиз тубидаги орзу-истаклар курта ёзиб, бизни ҳаёлот оламига етаклайди. Бу эса ҳаётда ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз сари дадил оқибатимизда-туртки бўлади.

Ижодий кеча

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида ўтказилган "Сўз, оҳанг ва тасвир" деб номланган ижодий кеча ҳам шу каби истак ва хоҳишларга қанот бағишлади, десак муболаға бўлмайди.

"Фидойинг бўлганмиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар янги ижод маҳсулларини яратишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлашди.

– Бу каби ижодий кечалар ёшларимизнинг иқтидорини юзага чиқариш, уларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди, – дейди шоир Файрат Маҳид. – Тадбирда ёш ижодкорларнинг шеърлари, кўшиқ ва рангтасвир асарлари мамлакатимизда кўп-кўп иқтидорли ёшлар етишиб чиқаётганидан дарақ беради.

Ижодий кечада элимиз ардоғидаги шоирларнинг шеърлари, ҳофиз ва бастакорларнинг куй-кўшиқлари йилгиланларга завқ-шавақ бағишлади. Рангтасвир усталарининг санъат асарлари эса иштирокчиларни фалсафий олами англашга ундади.

Ўз муҳбиримиз.

Суръат аканинг ҳовлисида кекса ўрик дарахти бор. Уни Исфарадан дадаси келтириб эккан. Мева-си унчалик йирик ҳам эмас, бироқ жудама чиройли, ялтироқ. Бир томони қаҳрабоддай сап-сарик, ярми ёқутдай қип-қизил. Ўша ўрик дарахти бу йил шунақанги ҳосил солди-ки, залворидан шохлари ларзон-ларзон эгилди.

– Вой-бў, ишқилиб ўзини бошини есин, ўрик қариганда ҳам ҳосил беравераркан-да-а! Тоға, у қаламчадан ҳам кўкара-верадими, олиб бориб экардим, – деди меҳмонга келган қариндошларидан бири.

– Мен ҳам шунга ҳайронман, бултур қуриб қолган шохлари ҳам бу йил кўкариб кетди. Барча шохи барабар гуллади. Кўриб турганинг ҳосилнинг ярми. Яримини довучалигидаёқ қўни-қўшни билан баҳам кўрдик, – жимлайди Суръат ака мамнун. – Мана бир ҳафтадирки, маҳаллага ўрик улашар-ми. Барака топкур, бир пишса барабар пишади. Вақтида териб олмасан, дувиллаб тўкилиб кетади. Ўрикни еган бор-ки, менга, уни эккан отамга раҳмат айтаяпти.

– Аммо ўзи жуда қари-а, тоға. Мен эсимни таниганимдан биламан. Балки вақт-соати бит-гандир. Шам ҳам ўчиши олдидан бир порлаб

ёнади-ку! – Э нафасингни иссиқ қил, Қодиржон. Шукр қилайлик, Оллоҳ насибамизни етказиб, қари ўрикка куч берганига. Шаҳар марказидаги ҳов-

аканинг ҳовлиси ҳам ана шу лойиҳада бор экан. Уларга шаҳар чеккасидаги кўп қаватли уйлардан беришди. Бироқ, Суръат ака жума намо-зини ўша ўзларининг

Хаёт сабоқлари



лиларнинг ҳаммасида ҳам бунақа дарахт ўс-вермайди. У ҳали қури-майди, элнинг дуосини олди, – жиянининг ўйла-май галирган гапидан дили гашланди Суръат аканинг.

– Айтдим-қўйдимда, тоға, – узрли оҳангда деди жиян. Бу суҳбат унутилиб кетди. Бироқ, кузга яқин маҳалла ўртасидан катта йўл тушиши муноса-бати билан кўча юзида-ги уйлар бузиладиган бўлиб қолди. Суръат

"Сузук ота" масжидига бориб ўқийди. Киш оёқлаб қолганда, Суръат ака эски ҳовлисига ўтгиси келиб қолди. Бурса, бу ерда қурилиш жадал кетаётган экан. Тусмоллаб ҳовлисидан топди. Топгандама мунгайиб турган ўша кекса ўригидан топди. У соя солиб турган ошхона ҳам бузилиб бўпти. Ўрик ёнида икки йигит гапла-шиб турган экан. Суръат ака бориб, улар билан сўрашди. Ёнлариди электр арралари бор.

Ховлиларда қолган ён-ғоқ, ўрик дарахтларини кесиб олишаркан экан.

Улар ўзларини олти-ариқликмиз, деб таниш-тиришди. "Жуда азамат дарахт экан. Танаси ҳам заранг. Камида бир ой уйимизни иситди. Ўрикни чўғи оёқдаги оғрик-ларга шиё. Бувимини сандалига солиб бер-сам, жони киради", деди йигитлардан бири. Суръат ака галати бўлиб кетди. Аста ўрик ёнига келди. Қадрдони билан кўришгандай қучоқлади. Танасини силади. Нега-дир дарахтнинг танаси-дан сув оқарди.

– Нега йилгаёпсан, қадрдон, – деди Суръат ака уни силаб. – Сен жуда яхши яшадинг. Одамларга нафнинг кўп тегди. Биз сендан рози-миз. Сен ҳам рози бўл. Қара, сўнгги дамингда ҳам одамларга яхшилиқ қилишга ярабсан, ўри-гим. Шу чоқ дарахтнинг тепа шохиди қолиб кет-ган бир донга туршак унинг оёғи тағига тушди. Дарахт шохини силқитган қарга эса чўчиб, ҳавога кўтарилди. Кейин кўна-рга шох тополмай, узоққа учиб кетди. Йигитлар аррани ишга солишга шайланганини кўрган Суръат ака жадал юриб, улардан узоқлашди. Электр арранинг овози қулоғига қадрдон ўри-гини холасидек эшитил-ди.

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзил:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаввир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-82. Адади 7 002. Баҳо-си келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.